

Шерободлик 52 нафар хотин-қизларга субсидия асосида тикув машиналари топширилди



Шундан сўнг Сурхондарё вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик маркази Шеробод туман бўлинмаси томонидан ташкил этилган бепул тикувчилик ўқув курсларида 3 ой мобайнида ўқиб, ҳунар ўрганган “Аёллар дафтари”нинг 3-тоифасида турадиган, яъни ишсиз 52 нафар хотин-қизларга ўқув курсларини тамомлаганликларини тасдиқловчи сертификатлар билан биргаликда сўнгги русумдаги тикув машиналари ҳам топширилди. Бу имконият ва эътибор манзилда жам бўлган барча аёлларни мамнун эта олди десак янглишмаймиз. Эндиликда улар ўрганган ҳунарлари ортидан иш қуролидан фойдаланган ҳолда ўз бандликларини таъминлаб, рўзғорга оз бўлсада фойда келтиришади деган умиддамиз.